

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

БУ МАЖЛИС ИЧРА ҲОЗИР...



СУРАТДА: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриётининг бир гуруҳ хотин-қиз ходимлари (чапдан ўнгга, олдинги қаторда) - Мохинахон АШИРОВА, Инобатхон АБДУЛЛАЕВА, Мавлудахон ҒАФҒОРОВА, Салимахон МИРЗАБЕКОВА, Мавлудахон ИСЛОМБЕКОВА, (иккинчи қаторда) - Донохон ҲАСАНОВА, Гулнорахон ХУЖАЕВА, Эльмира МЕЛИКУЛОВА, Нодирахон ҒАФУРОВА, Мухтабархон АБДУЛЛАЕВА, Хулкархон АЛИМУХАММЕДОВА, Оксана ВЕРИНА, Шоирахон АЛИМОВА.

СУРАТЧИ: Адҳам СУЛАЙМОНОВ

Суратни қўлимга олганим замон хотирамга Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги:

Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бори ҳам сарв қомат, ҳам гуландом.
Дилорому, Дилорою, Дилосо,
Гуландому, Суманбўю, Сумансо.
Паричехру, Паризоду, Париваш,
Парипайкар зихи ўн исми дилкаш,
байтлари келган бўлса, ҳаёлимдан
шулар кечди:

Уларнинг феъли-атвори минг турлук.
Мижози турлук. Табассуми, кулгуси,
гапи-ю, сўзи турлук. Овози турлук.

Не ажабки, эрталабдан қарийб ҳам-
маларининг юмушлари деярли бир
хил: ҳаммалари ҳам тўқисми, оддий-
ми дастурхонларидан туриб, ўзла-
ридан бошқа ҳаммани - турмуш
ўртоқларини, ўғил-қизларини, ай-
римлари - набираларини ҳам иш ва

ўқишга кузатадилар.

Дам ўтмай бу аёллар хизмат жой-
лари - "Ўзбекистон миллий энцикло-
педияси" давлат илмий нашриёти
остонасидан ўтадилар. Шу ондан
уларнинг фақат ўзларигагина хос
бўлган барча турлуклар йўқолади.
Бунда ҳаммаларининг мақсади бир,
иродаси бир нарсга қаратилган,
хоҳишлари бир, ҳатто қўлаётган иш-
ларидан қониқиш, ифтихор қилиш
туйғуси ҳам бир хил бўлиб қолади.
Ишлари - энциклопедиялар чиқариш.
Энциклопедиялар эса одам,
олам, муҳит, воқеа, тарих - ҳуллас
ҳамма нарса ҳақида илмнинг энг
сўнгги сўзидир.

Энциклопедия маълумотлари
баҳслардан, мунозаралардан, икки-
ланлишлардан холи ҲАҚИҚАТ!

- Кейинги бир-икки йил ичида та-
лабчан ўқувчиларимиз "Хотин-қиз-

лар энциклопедияси", "Болалар эн-
циклопедияси"ни нихоятда мамну-
ният билан қабул қилдилар, - дей-
ди илмий нашриёт директори, та-
ниқли олим, иқтисод фанлари док-
тори, профессор Нурислоҳ Тўхли-
ев. - Уларни чиқариш ният қилин-
гандан, то табаррук китоб ҳолига
келтиргунга қадар мана шу суратда-
ги ва бошқа опа-сингилларимизнинг
меҳнатлари бекиёс. Мен биламан-
ки, ишда уларга пок ниятлари-ю, фа-
зилатларидаги энг ардоқли қирра
- илмпарварлик қувват бериб тура-
ди.

Нашриёт яқинда ана шундай кўп
йиллик изланишлар самараси
бўлган "Ўзбекистон миллий энци-
клопедияси"нинг 1-жилдини ўқувчи-
ларга тақдим этди. Унинг нашр эти-
лиши Президентимиз китобнинг ки-
риш қутловида ёзганларидек, мам-

лакатимиз маданий ҳаёти-
да катта воқеа бўлди. "Эн-
циклопедиямизнинг асо-
сий вазифаси, - деб таъ-
кидладилар Юртбоши-
миз, - аввало Ўзбекист-
тоннинг буюк тарихи,
бетакрор маданиятини,
улуғ мутафаккир ва ал-
ломаларимизнинг умум-
башарий тараққиётга
қўшган бекиёс ҳиссаси-
ни, бир сўз билан айтган-
да, Ўзбекистон деб атал-
ган гўзал юрtnнг ўзига
хос ва ўзига мос қиёфа-
сини, Ватанимизнинг та-
биий-иқтисодий ва маъ-
навий салоҳиятини, энг
катта ва ноёб бойлиги-
миз бўлмиш мана шу му-
қаддас заминда яшаб
ўтган ва яшаётган одам-
ларнинг ибратли фаоли-
ятини бутун дунёга на-
мойиш этишдир.

Шу билан бирга, мил-
лий қомусимиз ҳар қай-
си инсон учун, халқимиз
ҳаётига қизиқадиган
олимлар ва зиёдилар,
турли соҳа мутахассис-
лари учун муҳим илмий
манба, бебаҳо хазина
сифатида хизмат қилади".

- Ўзбекистон мустақиллигининг 10
йиллиги арафасида нашрдан чиқа-
диган 2-жилдимиз ҳам жуда сермаз-
мун ва кўркем бўлди, - деб давом
этдилар Нурислоҳ Тўхлиев. - Ҳар
бир жилддаги мақолаларни алиф-
бо тартибига солишдан тортиб,
қомус ҳолига келтиргунгача, шу опа-
сингилларимизнинг синчковлиги,
саранжомлиги ва заҳматкашлиги
жуда-жуда яхши самара беради.
Уларнинг кўпчиликлари Қомус таш-
кил этилгандан бери хизмат қили-
шади, ўз ўрнида энг моҳир мутахас-
сис ҳисобланадилар. Уларнинг бу
борадаги хизматлари бекиёсдир.

Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

УМИДЛИ НИГОҲЛАР ҚАДАЛДИ

Юқори малакали, интеллектуал
салоҳиятли ёш кадрларни
етиштириб чиқариш давримиз-
нинг энг долзарб вазифаларидан
биридир. Бу йил янги таълим ти-
зимининг биринчи битирувчилари
сифатида магистрларга
умидли нигоҳлар қадалди.

Куни кеча Тошкент Молия ин-
ститутини 85 нафар биринчи
магистрлар битириб чиқди. Улар
"Давлат молиясини бошқариш",
"Солиқ ва сўлиққа тортиш",
"Сармоя қўйилмаларини молия-
лаштириш ва уларнинг монито-
ринги", "Банк иши", "Бухгалте-
рия ҳисоби", "Қимматли қозғал-
лар ва фонд биржаси", "Аудит"

бўйича олий мутахассисликлар-
ни эгаллашди. Улар магистр-
ларга давлат томонидан тасдиқ-
ланган намунадаги, касб-хуна
фаолияти билан шугулланиш
ҳуқуқини берадиган дипломни
олишар экан, магистратуранинг
имкониятлари ҳақида жуда
тўлиб-тошиб гапиришди. Вақти
келиб бу имкониятлар янада му-
камаллаштириш ҳаммага маълум.
Мана шу имкониятлардан фой-
далана олган мутахассислари-
миз Ватан, халқ, Президентимиз
ишончини оқлашларига шубҳа
йўқ.

Сувратлар
Н. МУҲАММАДЖОНОВники



Шонли истиқлолимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасида орта қарар эканмиз, ўтган умримиздан кўнгли тўлиб, бу кунга етганимизга шукроналар айтамыз. Ахир бу улў кунлар не-нае табаррук зотларнинг фидоийликлари, саъй-ҳаракатлари билан юзага келди. Улар учун бу орзу эди. Қанчалари учун армонга айланди. Оталаримиз, момоларимиз баъзан ўзлари емай бизга едирдилар, ўзлари киймай бизга кийдирдилар. Бироқ ўзликни йўқотмай, юртга, элга бўлган садоқатларини бизга сингдирдилар, меҳр-вафонинг намунаси бўлдилар.

Ўхратматли юртбошимиз маҳалалар ҳақида ўз маърузаларида: "Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удуллари, урф-одатлари ва анъаналарига таъанган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кескаларнинг панднасиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ғоялари сингдириб борилади", - деган эдилар.

Бу ҳикматомуз фикрларнинг нақадар халқчил, ҳаётий эканлигига бугун яна иқдор бўлиб турибман.

Биз Тошкентнинг марказий, ғўзал ва обод "Қоратоп" маҳалласидаги (ҳозирги ўқувчилар саройи биноси ўрни) ҳовлида яшардик. Қўни-қўшниларимиздан журналист Миод Ҳақимов, таниқли таржимон Тошқин ака Мўминнов номларини фахр билан қайд этаман. Уларнинг оталари моҳир сурнайчи Мўмин ота ва бизнинг бобомиз Толип оталар ҳақида академик шoir Ғафур Фулом ҳам анча нарсга ёзганди.

Биринчи ўзбек ўқувчиларидан Карим ака, таниқли ҳуқуқшунос Василя Ғуломова ҳам маҳалладошимиз эдилар. Уларнинг ҳар бири бир олам эди. Айниқса, дилкаш қўшнимиз моҳир санъаткор, марҳум Маҳмуд ака Юнусов маҳалламизга ўзгача бир фойз бағишларди. Санаб ўтилганларнинг ҳар бири маҳалламиздаги оилалар фарзандларининг яхши инсонлар бўлиб камолга етиши учун катта ҳисса қўшишган. Менинг отам Усмонбеков Ёқуббек Ислонбек ўғли 1938 йилда

Ленинград қишлоқ хўжалик институти-нинг ўсимликларни химоя қилиш бўлимини битирган. Наманган, Бухоро вилоятларида, кейинчалик эса Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик бошқармасида, қатор туманларда агроном бўлиб ишлаган. 1941 йилнинг кеч кузида урушга кетган. Отамиздан 1942 йилда икки-уч марта хат келибди. Унда онамизга бизларни мактабга бериб яхшилаб ўқитишларини сўраб ёзган экан. Шундан сўнг отамдан умуман хат-хабар келмаган. Онамиз сўраб суриштир-

Мустақил-лик шарофати, юртбошимизнинг ташаббуслари билан Мустақиллик май-дониди "Хотира хиёбони" барпо этилди. У ерда урушдан қайтмаган 400 мингдан ортқ шахидларнинг номлари ёзилди. Шулар қаторида отамизнинг ҳам муборак номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Биз у номларни кўзларимизга суртиб тавоф қилдик.



БИЗ КЎТГАН КЎНЛАР

ганларидан кейин бедарак йўқолганлиги ҳақида маълумотнома беришибди. Шу вақтда онамиз Мухайё Толиб қизи 29 ёшда бўлиб, биз тўрт нафар фарзандлари билан қолганлар.

Биз ёш бўлганимиз сабабли кўп қийинчиликларни, етимлик азобларини сезмасдик. Мана энди ўзимиз вояга етиб бола-чақалик бўлганимиздан кейингина бунга тушундик. Онамиз етимлигимизни билдирмай ўқитиб, яхши инсонлар қилиб вояга етказдилар. Ўша оғир йилларда онамиз қўшни аёллар билан шахар атрофидаги қолхозларга чиқишиб сабзавот, мева-чева теришаркан. Ёзги таътил кунларида онамга қўшилиб биз ҳам чиқардик. Бундан ташқари ўтин учун даладаги қариндошларникидан дарахт кесиб олиб келардик. Ширинлик анқонинг уруғи эди. Онамизнинг тадбиркорлиги, тежабертергаб рўзғор тутишлари сабабли ширинликдан ҳам баҳраманд бўлардик. Онам қанд лавагини сувда қайнатиб, сўнг қозонда қовуриб берарди. Маккажўхори унидан эса бутка тайёрлаб берарди. У жуда тўқ тугадиған овқат эди. Уруш вақтида қишнинг совуқ кунларида қор қалин ёғарди. Уйимизнинг томи лойдан бўлиб, ёмғир ёққанда чакка ўтарди. Ичкари ноҳамизни ижарага бериб ўзимиз айвонда, сандал атрофида ётардик. Шу зайдда йиллар ўтди. Онам ҳаммамизни уйли-жойли қилдилар. Бироқ айни бизнинг роҳатимизни кўраман деганларида 55 ёшларида оламдан ўтдилар.

Оналаримиз - момоларимизнинг вафодорлиги ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Сув келса симириб, тош келса кемириб яшайдиган шундай аёллар орасида онамиз ҳам борлигидан фахрланамиз. Улар чиндан ҳам садоқат тимсоли эдилар. Ўзлари қийналса ҳам бизга ҳалол ва пок, меҳнат билан яшашни ўргатдилар. Ўша йилларда онамиз кунда такрорлаган мана бу ўғитлари эса қўлогимизга ҳанузгача кўрошиндек қўйилиб қолган.

1. Бориға шукр қил, йўғига қаноат қил.
 2. Ота-онага, катталарга, қўни-қўшнига ҳурматда бўл.
 3. Қиз бола ҳаёли, ибодли, ширин сўз бўлсин.
 4. Ҳалол еб, ҳалол тур, эл ҳурматида бўл.
 5. Ерда бировнинг тиллоси ётган бўлса ҳам олманглр.
 6. Бировнинг қозонига тикилиб қарамаң.
 7. Бошинга қилич келса ҳам рост гапиргин.
 8. Сабр тағи - олтин, сабрли бўлинглар.
- Бир умр онамизнинг шу насихатларига амал қилиб яшардик. Бировдан кам бўлмадик. Балки, мана шу ўғитларнинг ўсиб келаётган ёшларимизга ҳам фойдаси тегар. Мана шу дориларомон кунларимизнинг қадрига етиб яшайлик. Айниқса ёш авлоддан Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Шоҳидабону ИСКАНДАРОВА,
меҳнат фахрийси

Тошкент шахри



Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни қўқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Ислон КАРИМОВ

СОҒЛИҒИМИЗ КАФОЛАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида белгиланишича, "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши учун етарли шароит яратмоқда. Юртимизда малакали тиббий мутахассислар тайёрлаш, замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланиш, самарали дори-дармонлар етказиб бериш борасида катта ишлар амалга ошириляпти. Касалликларга қарши кураш ва касалликларнинг олдини олиш миллий дастури ишлаб чиқилиб, у давлат мақоми даражасига кўтарилган. Ушбу дастурга асосан поликлиникаларда, стационарларда беморларга малакали хизмат кўрсатиш, мактаб ва мактабгача бўлган муассасаларда турли касалликлар олдини олиш борасидаги тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Юртимизда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг ташкил этилиши, "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилиши фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш кундан-кун тақомиллашди. Бормоқда, сифати яхшилланмоқда. Бизда фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофазалаш тўғрисида"ги Қонунига асосан фуқароларни уларнинг соғлиғига тўри келмайдиган ишга қабул қилишни тақиқлайди.

2001 йилни "Оналар ва болалар йили" деб номладик ва қатор дастурлар қабул қилинди. Ушбу дастурга асосан оналарга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, болаларнинг соғлиғини қафолатлаш кенг қўламда амалга оширила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида аёлларнинг меҳнатини ва соғлиғини муҳофаза қилиш, оналик ва бахтиёр болалик ҳуқуқини химоя қилиш мунтазам равишда ривожланиб келмоқда.

Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури суғурталаи тиббий хизматга ўтиш, рақобатлашишга қодир бўлган хусусий клиникалар ва дорихоналар ташкил этиш орқали тиббиёт хизматини янада тақомиллаштириш мақсадини ҳам қўзғайди.

Меҳнат кодексининг 179-моддасига асосан корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ходимларнинг меҳнат шартномаси тузиш пайтида тиббий қўриқдан ўтказишни ташкил қилиш шарт. Тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланади. Бу даврда ходимнинг иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланади. Ходимда касб касаллиги аломатлари аниқланганда маъмурият тиббий комиссиянинг ҳулосасига асосан ходимни янги касбини ўрганиш вақтида ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши керак.

Х. ТЎХТАМУРОД

ФОЙДАЛИ СУҲБАТ

Маҳалладаги бир йигинда қайнона ва келиннинг ўзаро келишмовчилиги, оиладаги жанжаллар, эру-хотин арази ва ниҳоят алимент ташвишлари ҳақида гап кетди.

Шунда маҳалланинг фаол онахони Зухра ая гапга аралашди:

- Сизлар ҳадеб оилаларнинг ғийбатини қилавермасдан, мундоқ фойдалароқ гаплардан сўзлашсанглр-чи, ахир?! Ҳозир айтилаётган муаммоларнинг бариси Оила кодексимизда кўрсатиб ўтилган. Лекин сизлар қўпинча ана шу моддалар мазмунини билмай бош қотириб ўтирасизлар. Ё бўлмаса, Оила кодексини ҳаммамиз ўқиб чиққанмизми?

Давранинг у ер, бу еридан "Мен ўқигандим" деган товушлар эшитилди. Зухра ая бош чайқаб, деди:

- Мен бир-иккита савол берай. Ўқиганларингиз жавоб топсангиз, бошқалар ҳам шу нарсани билиб олишар. Эр ва хотин оилада қай ҳолларда бир-бирига таъминот беришлари зарур? Никоҳдан ажралган ҳолатларда бундай

таъминот қандай шаклга ўтади? Умуман, таъминот масаласида қачон судга мурожаат этилади?

Аёллардан бири шундай деди:

- Оила кодексининг 117-моддасида келтирилишича, "Эр ва хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомилидорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1-гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга" экан.

- Иккинчи саволингизга мен жавоб берай, деди бошқа бир аёл. - Ушбу Кодексимиз-

нинг 118-моддасида шундай дейилган: "...никоҳдан ажралгунча қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр), никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр хотин узоқ вақт никоҳда турган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин..."

- Эр ва хотиннинг бир-бирларига таъминот бериши қачонгача давом этади? Бу ҳақдаги моддага ҳам назарингиз тушганми? - деди Зухра ая. - Қани, бир эслаб кўринглр-чи?

Аёллардан бири сўз бошлади:

- Хужжатномаимизнинг 121-моддаси худди шу ҳақда. Унда таъкидланишича, "Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқини ушбу Кодекснинг 117 ва 118-моддаларига мувофиқ таъминот олиш учун асос бўлган шартлар тугаган тақдирда, шунингдек никоҳдан ажралган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганида тугайди. Бундай ҳолларда, агар таъминот учун маблаг суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилган бўлса, уни тўлаш шарт бўлган эр (хотин) бундан буён алимент тўлашдан озод этиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир".

- Ана, биларкансизлар-ку! Маҳалламизда ўтказиб борилаётган ҳуқуқий мавзудаги мулоқотларнинг таъсири бу. Қаранг, ҳаммамиз учун хўб фойдали суҳбат бўлди-да! - деди Зухра ая.

Шу кунни маҳалладаги йигиндан қайтаётган аёллар ўртасида бошланган баҳс янада қизиқ, анча вақтгача давом этди.

Г. ЖАМИЛОВА

Ҳуқуқий тарихона

ҚЎШНИ ОШИ - ТОТУВЛИК БОШИ

Халқда: "Ховли олма, қўшни ол", - деган ибора бор. Бу бежиз айтилмаган. Бошингизга келадиган давлат, оилангизда ҳукм сурайдиган тинчлик кўп жиҳатдан қўшнига боғлиқ бўлади.

Ҳали ҳамон эсимда. Отам (Аллоҳ раҳмат қилсин) қўшнини ранжитиш оғир гуноҳ эканлигини кўп бор таъкидлар эдилар. Хозир ҳам бизнинг кўчани "Бог кўча" деб аташди. Ҳаммада мевазор бог бўлиб, асосан ёнғок, ўрик ва тут кўчатлари экилар эди. Қизиғи шундаки мевали дарахт асосан қўшнилари ўртасидаги чегара - худудга экиларди. Бундан мурод шириншакар мевалар қўшнилари ўртасида баҳам кўрилар эди. Мен бу гапларни ўтган замон феълида гапиришимга боис, кейинги йилларда биз - қўшнилари ўртасида меҳр, оқибат камайгандек. Аввало мевали дарахтлар бог ўртасига кўчиб чегара - худудга толлар, тераклар каби сояси бор-у, меваси йўқ дарахтлар экила бошладим. Энди бир қўшни: "Дарахтинг ҳовлимини қоронғу қилапти, экинлар битмапти", - деса, иккинчи қўшни: "Мен ўз боғимга хоҳлаган кўчатимни экаман", - дея ўзиникини маъқуллайдди. Қўшнилари фарзандлари воғга етиб, оила қуришга тараддуд бўлаётган бир пайтда келган совчиларга қандай фикр билдирилса, ёшларнинг келажак тақдирлари ҳам кўп ҳолларда шунга қараб ўз ҳукмини топади. Бу ўринда ҳам қўшнилари ўртасидаги аҳиллик, иноқлик катта аҳамият касб этади.

Биз қўшнилари билан қандай муомала қилаётганимизни фарзандларимиз кузатиб туришганини асло унутмаслигимиз лозим. Уларнинг тарбияси айнан бизнинг ўзаро муносабатимизга боғлиқ эканлигини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Қўшни тарафга қатор қилиб толлар экдим. Кўп ўтмай толлар қўшни ховлига соя ташлай бошлади, барглари эса ифлос қилар эди. Шунда қўшним толларни кесиб олишимни талаб қилди. Толларнинг бир нечасини ўзим қирқиб олдим, бир нечаси қуриб қолди.

Бундан фарзандларимнинг жаҳли чиқиб: "Улар билан гаплашиб қўйсангиз бўлмайди-ми?" - дея мендан сўрашди. Мен: "Йўқ болам, хато бизлардан ўтган. Уларга бизнинг зараримиз теги. Энди уларни хурсанд қилишим керак", - дедим ва пишган мевалардан олиб чиқиб бердим. Қўшним

Тарбия соати



мени дуо қилди. Хизматчилик эмасми, кечки таомимиз аллапайтда пишади. Ён қўшним, шундан хабари бўлганлигидан, кўп ҳолларда ўзи пиширган тансиқ таомлардан олиб чиқиб туради.

Аслида бу ҳаракатнинг оиламиздаги тотувликка кўп аҳамияти бор. Чунки қорин бирқадар тўйғач, овқат кеч қолган аёлимга кўпол муомала қилишдан тийилмаман. Мен кўпчилик қўшнини мақтайман. У тайёрлаган овқатнинг ширинлиги унинг бизларга бўлган эътиборлигидан деб ўйлайман. Баъзи бировлар айтганидек: "Қўшнимнинг оши - жанжалнинг боши" бўлмайди ҳеч. Балки қўшни оши - тотувлик ва меҳрининг боши бўлади. Албатта биз ҳам қўшнимдан меҳримизни аямаймиз. Фарзандларимиз қўшнилари орасидаги иноқликнинг гувоҳи бўлиш билан бир вақтда ўзлари ҳам иштирокчига айланадилар.

Қўшнилари билан бўлган муносабатда лоқайдлик энг ёмон оқибатларга олиб келади. Қўшни келинлардан бири кизимга турли пишириллар тайёрлашни ўргатди. Мана ҳозир қўшниларикида бирор тадбир бўлса, кизим уларга астойдил қарашади ҳамда ўз

маҳоратини ошира боради. Демак қўшнимнинг қизимга нисбатан лоқайд бўлмаганлиги бизнинг фойдамиз бўлди. Қўшнилари аҳил бўлган маҳалла тинч, осуда бўлади, биронта хонадондан ноўрин товуш чиқмайди. Шу боис кўпчилик бизнинг маҳалладан киз олиб, маҳалламизга киз узатишни

ёндирмайлик. Энг асосийси - бу кўшни тинчлик билан, бақир-чақирқисиз, ёшлар олдига ҳурматимизни йўқотмаган ҳолда ўтказайлик", - дедим.

Оилалар ажралишиди. Ховли жим бўлиб қолди. Бу оғир кўнларни қўшним сабр билан ўтказди. Ниҳоят бу хонадонда яна қарнай-сурнай навоси янграб, тўй бўлди. Йиллар ўтгач қақалок йиғиси ҳам ушбу хонадонга файз олиб кирди. Ҳа, ҳаёт деганлари - бир синов, имтиҳон демакдир. Ушбу имтиҳондан ўтмоқ учун қўшнилари мадади жуда ҳам зарурдир.

Узоқдаги қариндошдан ақиндаги ёт яхши, деганларидек ўзимиз билмаган ҳолда қўни-қўшнилариға суяниб қолганмиз. Бошимизга бирор мусибат тушса, ёки бирор хурсандчиликни ўтказмоқчи бўлсангиз энг аввал қўшнига югураемиз. Узоқдаги қариндошлар етиб келгунча ёнимиздаги қўшни бир олам ишни амалга оширади.

Хонада онажоним билан ёлғиз иккимиз эдик. Онам узоқ беморликдан сўнг жон таслим қилиш арафасида эдилар. Нима қилишимни билмайман. Опам ҳам негадир бир неча кундан бери келмаётган эдилар. Шундай ҳақиқатда ҳам қўшни жонимга оро кирди. Қўшни аёлини - барчанинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турадиган нуроний Гулсум аяни қақириб чиқдим. У киши онамни оёқ-қўлларини тўғрилаб, юзларини ёпиб қўйди, ҳамда хонани йиғиштириб тартибладилар. Мен қариндошларга хабар беришга кетдим. Ушбу қўшним онам олдидаги энг сўнгги вазифани қўйилмақом қилиб бажариб қўйди.

Қўшнилари ўртасида аҳиллик, иноқлик ҳукм сурса ўртадаги деворга ҳам, эшикка ўрнатилган ҳар қандай мураккаб қулфларга ҳам эҳтиёж қолмайди. Қиссадан - ҳисса шуки, ён қўшнимиз билан жон қўшни бўлмасак хонадонимиз тинч, обод, фарзандларимиз тарбияли, кўнглилар шод бўлади. Аллоҳ ҳаммамизни қўшнилари билан аҳил бўла олишдек бахтдан маҳрум қилмасин.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ



ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

(Боши ўтган сонларда.)

Ўғлоним, ўнта бармоғинг ўнта шогирд болангдир - ҳар бирини ҳар хил хунарга ўргат. Отанг бойдир, камбагалдир - хунар ўрганишдан уялма. Хунарли йигит, қўли қадок йигит энг чиройли йигитдир ва кизларнинг энг бахтлиси ўшаларга тушади! Қўнт билан атрофингга бир қара-я, хунари борки одам бекаму кўст яшайди. Дипломлилар маошни ойда бир олади, хунари борлар эса кунда! Сен шундай бўлиб олқи, ҳам хунаринг бўлсин, ҳам дипломинг!

Ҳамма ота-онани ҳам бола тарбиясида тадбиркор ва пухталлик билан иш юритади деб бўлмайди. Улар: "Бизнинг топганимиз сенга умр бўйи етади", - деб овутсалар ҳам, қийин юмушлардан сени аяғилари келиб турса ҳам, хушёр бўл, ўзингни тут, билгинки, сен 17-18 ёшга кирган захотинг ота-онанга ҳақинг қолмайди, бу - бир. Меҳнатга қобилиятинг расо бўла туриб, ундагиларнинг ҳисобига қорин тўйдириб юришинг ўзида йигитчилик йўқ, бу - икки. Қолаверса, бу - дунёи бевафо, ота-онангга сенга боғлаб қўйган эмас. Қирққа кирган ота-она ҳам умрининг ярминини яшаб бўлган одам, уларнинг топганини еб эмас, уларга топганини едиришга улгуриб қол! Қолдирган моллари тоғ эса-да, барокоти бўлмас ва ҳаммаша хомталашдир. Катталарининг борида белингни тиккала, албатта, бир касбнинг устаси бўлиб ол. Эҳ, болам-а, ота-онанга кейин ҳеч ким сенга уларчалик ҳаридор бўлмас ва қисматинг учун жон қўйдирмас, хоҳишлари бўлса-да, ўзларидан ортинолмаслар! Суягчиларинг борида гоз туришни бўлиб ол, болажон!

Ҳали пешонанга "фарзанд" деган ширин душманларга эга бўлиш қисмати бор. Ҳамиша қиндаги қилчидай ёнингга турадиган аёлинг бўлади ҳали! Ушаларнинг олдида тилинг қисқ, бошинг ҳам бўлмасин. Рўзгор деган гўр фильни ҳам ютиб юборади. Ана шу қийинчиликларни даф қила оладиган бўлиб рўзгорга киргин. Рўзгор таваккалга ошиқ отиш ўйини ҳам эмас, оғзини очиб, ейман-ичаман деб турган бола-чақани бир оч, бир тўқ қолдириб бўлмайди. Қора қозонинг қайнатишга етдиган, соатнинг чиқиллашидан бир маромда ризқ келтирадиган тайинли машғулотиб бўлсин. Билиб қўйки, отинг суллашган захоти аёлинг олдинга ўтиб кетади. Рўзгор тебратишда аёлига сарбонлики берган эркак эса бизнинг эмасдир! Аёли эвланган ишни уйда қилмай, ер қизиб ўтирган эркак бизнинг эмасдир! "Бўлар бола бошидан" деган нақл эсингда турсин. Айбингни ёпиб турган ота-онанг, аёлинг очғувидир. Болаларинг эса оламга ёйғувидир, ўғлоним, улар пайдо бўлгунча пухта бўлиб ол!

(Давоми бор.)

Турсуной СОДИКОВА

ОИЛА, ОНА ВА БОЛА МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир уринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Гуломов бошқарди.

Унда Вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси уринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими уринбосарлари, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекс котибиятининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекс котибият мудири Т. Норбоева "Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза

қилиш котибиятлари ҳамда комплекс тасарруфидаги ташкилотларнинг 2001 йилнинг 6 ойи давомидаги фаолият натижалари тўғрисида" маъруза қилди. Шунингдек анжуманда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 феврал 46-сон қарори билан тасдиқланган "Соғлом авлод" Давлат дастурининг 2001 йилнинг 6 ойи мобайнида бажарилиши тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 феврал 68-сон қарори билан тасдиқланган "Она ва бола" Давлат дастурининг 2001 йилнинг 6 ойи давомида бажарилиши тўғрисида"ги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда жамиятда оилаларнинг тутган ўрнини ошириш, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш юзасидан республикада амалга оширилган чора-тадбирлар муайян ижобий самаралар бераётганилиги қайд этилди. Оилавий ажримлар, ёлғиз оналар сони, никоҳ ёшини қисқар-

тириш ҳолатлари камайди. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш бўйича уларнинг 70,4 фоизи тиббий қўриқдан ўтказилди ва 59,6 фоизи даволашга жалб этилди. Соғлом фарзанд туғилиши масалаларига эътибор қўйиштирилди. Республикада 73600 аёл иш билан таъминланди. 6638 аёл жамоат ишларига жалб қилинди. Республикадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оналар, аёллар ва болаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари "Маҳалла", "Навруз", "Соғлом авлод учун", "Болалар" жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари орқали изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда 2001 йилнинг 6 ойи мобайнида оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган ишларда бор имкониятлар тўла сафарбар этилмаганилиги қайд этилди. Қўрилган масалалар бўйича йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБРИМИЗ

Мен ўшанда 12-13 ёшларда эдим. 1943 йилнинг айна баҳори... Уруш авжига чиққан пайтлар... Отам уруш бошланган йилги фронтга кетганди. Мирзачўлни «Золотая арда» деган станцияси олдидаги кичкина қишлоқда истикомат қилар эдик. У кунларни эсласам ҳар бири бир ибратли ҳикоя бўладиган воқеалар... Куйида сизга ҳикоя қилаётганим воқеа ҳам ўша кунлардаги хотираларимдан бири...

Биздан бир уй нарида турадиган кўшнимизникида дод-фарёд овозлари эшитилиб қолди. Биз ҳам онам билан ўша томонга югурдик. Нима гап деб сўрасак, ўша кўшнимизни 14-15 ёшга кирган қизи Умсаламни поезд уриб кетганини эшитиб таажубдан хангу-манг бўлиб қолдик. Кейин билсак, бундай бўлган экан. Ўша кунни Умсаламни отаси билан онаси эрталаб чала-чулпа нонушта қилишиб далага ишга кетишган. Кетар олди-дан хотини қозонда пиширилган яримта омухта қотирма нонни эрим кечкурун ишдан қайтганида бир пиёла чой билан тамадди қилиб олар деган мақсадда тахмондаги кўрпани қаватиға яшириб кетган экан. Умсаламни отаси озгина оқсаб юргани учун уни ҳарбийга олмаган бўлса керак. Кечкурун ишдан қайтишиб ўчоқдаги қумқонга ўт қалаб кўрпа қатдаги нонни олиб қарашса яримта нондан бир бурда қолибди, холос. Она айвонда иккита синфдош ўртоғи билан гаплашиб ўтирган Умсаламни чақириб кўрпани орасидаги нонни ким олганини сўрабди.

- Мен нонни кўрганим йўқ, билмайман, - дебди қизи.
- Йўқ, ёлгон гапирма, ўтган сафар ҳам шундай қилгансан, яна без бўлиб тоғибу тураверсан, у жойга укаларингни бўйи етмайди, - деб Умсаламни

юзига икки шапати уриб яна қарашда давом этаверибди. Умсалам эса йиғлаб: «Ха ўша бир бурда нонни мен едим, ха мен, энди тўйдим, жудаям тўйиб кетдим», - деб кўчага йиғлаб чиқиб кетибди. Бу можароларни кузатиб ўтирган Ойгул билан Мавлуда ҳам чиқиб кети-

уйга борсам, яна балога қоламан», - деб ортига қайтиб кетади.

Кизини ўртоқлари билан кетганини кўриб онаси хотиржам уйга кириб кетади. Онаси туни билан не-не хаёлларга бориб ярим кечада кизини ётоқхонасига кириб қараса Умсалам ўрнида

темир йўл ёнида ётган жасади кўриб шу атрофдаги уйларида яшаётган одамларни фожиадан хабардор қилган. Уйдан тоғ саҳарда югуриб чиқишган одамлар Умсаламни танишган. Бундайн дахшат туннинг қайси маҳалида содир бўлганини ҳеч ким билмайди. Қиз жониси эди.

Умсалам жуда гўзал қиз эди. Ўша воқеани эсласам, ҳар гал урушнинг номи ўчсин, деб лаънатлайман. Балки ўша бир бурда нонни кизнинг укалари оёғи остига бирор нарса қўйиб олиб егандир, балки бу воқеада ростдан ҳам Умсалам айбдордир, бу ёғи бизга қоронғу.

Умсаламни онаси ҳовлини ўртасида фарёд чекарди. «Энди бу дунёда мени яшашга ҳаққим йўқ», - деб бошларига муштлар эди. Унинг ёнида ўпкаси тўлиб турган менинг онам ҳам қўшилиб ўша йиллар эрта ҳазон бўлган сингилчамни ёдлаб: «Вой болам, Ҳалимам», деб айтиб йиғлаб юракларини эзиб юборганди. Уларнинг ёнига ўғлидан қора хат келган Анзират хола ҳам келиб қўшилди. Айниқса Умсаламнинг онасини доду фарёдларидан ҳамма йиғлар, ҳатто ер ларзага келиб осмон гўмбурлаб, чақмоқлар чақилиб, булутлар кўз ёши қилиб ўтдилар. Онаси эса тинмай айтиб йиғлар эди:

Сепларингни бўҳчадан
дорга солдим Умсалам,
Ўлмайтириб ўзинини
ўтга солдим вой болам.
Ориятинг шунчалар,
қаттиқмиди жон болам,
Кетарингни билмайин,
доғда қолдим вой болам...

ХУДОЙНАЗАР ОТА
Тошкент шаҳри,
Беш бола маҳалласи

жойни асл ҳолига келтиргунча Гўзалнинг сурооби тўғри бўлди.

Кайнона ҳам бир муддат айланиб, ўргунди-ю, яна эски гапларни кўзгади. Кайнона ҳар доим овқат пайтида:

- Ишласангиз бўлмайдим, - дерди. - Ўғлим сизга уйланмасидан аввал қандай юрар эди-я, бозорнинг олди кийимини кияр эди, роса топар эди. Сизга уйланиб-ю, омади кетди.

Ҳаммадан қарз. Иш топинг, ишланг.

Ҳар кун шу гап. Натижада овқат ўтмай, келин туриб кетади.

Ахир Гўзал учта ёш боласи билан яна кен-

жаси эмизикли бўлса, оқ ювиб, оқ тараб ўтиргани камми? Оқ юз билан, болаларини йиғлатиб бўлса ҳам, бири келиб, бири кетиб турган қайин-бўйларнинг хурмат-иззат билан кутиб, кўнглингизга қараб ўтиргани камми? Наҳотки ёш овқатини пешлаш инсофдан бўлса? Гўзални хасми-халолига олган Тохиржоннинг бурчи эмасми оиласини боқиб? Ниҳодан ўтаётганда ўғлингиз нималарни бўйнига олганини биласизми, она? - дейдиган одам йўқ.

Оиладаги бу камчилик ахир вақтинча-ку? Ўтиб кетади. Чумолининг уйини бузиш ҳам гуноҳ. Шундай келини кетказса, яхшиси келармиди? Атрофимизга қаранг. Мехроқикбатли, ота-онаси, ақилларига хурмат-иззат кўрсатадиганлар қанча кўп. Улар билан ҳаётимиз гўзал, файзли.

Шундайлардан ўрناق олганга нима етсин.

Манзура САФАРОВА
Зангиота тумани

У КУНЛАРНИ ЭСЛАСАМ...



шади. Гира-шира қоронғу тушиб қолган пайт. Орқасидан онаси ҳой Умсалам, қаёққа бораёпсан? Орқанга қайт, деганига қарамай кетишда давом этаверибди.

Қизлардан бири Умсаламга: «Юр, бугун бизникида уччаламиз гаплашиб ётамиз», - деганига қарамай: «Йўқ, қизлар, мени кечиринглар, боролмайман. Эрталаб

йўқ. Она ўз қилмишидан афсус, надоматлар чекиб, ёмон тушлар кўриб юраги ҳовлиқиб ўрнидан туриб кетади. Катта кўчанинг нарёғидан - уйдан элликлитиш метр наридан катта темир йўл ўтарди. Темир йўлларни айланиб назорат қилиб юрадиган қоровул тонгда



ҲАЁТ
ТАШВИШЛАРИ ВА
ҚУВОНЧЛАРИ

Мен Зангиота тумани марказий дорихонасида 20 йилдан буён провизор бўлиб ишлайман. Ишим шундайки, нафақат дори-дармон билан шуғулланаман, балким дарду ҳасратларини мен билан бўлишиб, маслаҳат сўраб, ёрдам кутган беморлар билан ҳамсўхбат бўламан. Уларнинг тақдирини мени бефарқ қолдирмайди, тинчлик бермайди. Лекин имомни комил, атрофимизда яхшилар кўп.

- Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим, - деди шифокор дугонам. - Бизнинг тилимизда айтганда хасталиги ўртача бўлган бемор онахонни касалхонага ётқизишди. Ўзингизга маълум, касалхонада етишмаган дори-дармонларни беморнинг ҳариндош-уруғлари етказиб олиб келишади. Онахоннинг ўғиллари негадир медицинага яқин дея сингилларини бизга рўпара қилишди. Бу менга эриш туюлди, чунки кўпчанга мен билан беморнинг ўғиллари гаплашишар эди-да.

... Онасини касалхонадан олиб кетишга ҳам қизи келди. Тасодифни қарангки, кетган бемор ўрнига уларнинг ён қўшиниси ётди. Қўшинидан бор ҳақиқатни эшитиб ёқа ушладим. - Акалари ҳеч ҳам қарашмайдилар, - деди у, - онаси бечора бир кўзлаб фарзандларини боқиб, уйли-жойли қилган. Онахон кечаю-кундуз меҳнат қилган, энди қаричилик, инжиқроқ қариган, ҳақиқатан касалланди, дорисиз яшолмайди. Қиз бечора бир-икки акаларига айтди, бўлмади. «Пул ҳақида бўлса, яхшиси оғиз очма», дейишди. Нима қилсин, қизнинг ҳам

тўртта боласи бор, чиққан қиз чигирикдан ташқари, дори-дармон ҳам қиммат. Бир неча бор насихат қилдим: - Айланай, эрингиздан сўраб, рози бўлса, кейин олиб келишингиз керак. Ҳовлида бир эмас, яна икки ўғил бор, бири бўлмаса, бири касалхонага ётқишининг. Дориларни ҳам олиб келманг, акаларингизнинг ўғиллари олиб келишар. Хафа бўлманг-у, ўзингиз уларни ўргатаиб қўйгансиз, - десам, нима

дейди денг: - Майли, келинони болаларидан кўришсин. Агар Худо кўрсатмасин, оймиларга бирор нарса бўлса, кейин афсусланиб, акаларимга жahl қилиб, фалон дорини олиб бермагандим, олиб берсам балким яшармидилар, деб виждон азобида ўтаманми?

- Шундайку-я, аммо ўзингизда бўлса ҳам майли эди, билишсинга қарзга ботиб кетдингиз-ку? Холам ҳам сизга озгина раҳм қилсалар, ўғилларини ҳам ишга солсалар бўлмайдики?

- Бу қарзлар қарз эканми, келинони, узарман бир кун. Ўзини онамиз олдиларидан умрбод қарздормиз, ана шу қарзни узиш қийин. Акаларим ҳам бир кун тушуниб қолишар. Уларга ҳам қийин, бири ўй қурапти, бири ҳовлини кенжага бўшатиш керак. Яна бири жўжабирдай жон, қизини чиқариши керак. Соғлиғи яхши эмас.

Албатта, орамизда бундай воқеалар кўп эмас (шунисига ҳам шукр), лекин онда-сонда бўлса ҳам учраб туради. Юқоридаги воқеанинг аксини

ҳам эшитдим. Шаҳардан қишлоққа келин тушди. Куёв болага ҳамма ҳавас билан қарайди. Чунки келинчақ узукка кўз қўйгандек куёв болага жуда мос, ақли расо, исми Гўзал эди. Шаҳарлик бўлишига қарамай, қишлоқ шариғига тушди-қўйди. Уй ишларини бекаму-қўст, елиб-югуриб бажарар эди. Шу тарика учта фарзандли бўлишди. Аммо,

бир оғиз: - Оқибат қаерга кетди қизим? Бир қориндан талашиб тушган уканг-ку, ахир бегона эмас-ку? Ҳозир қўли калталик қилибди, қилиб кетмас уканг-да? Эртага бир кун қанда-анда эшитса, нима деган одам бўламиз? - деса бўлар эди-ку? Шундай дейиш онадан лозим эмасмиди? Она-чи? Она эса:

Гўзалнинг тоби бўлмай, бир неча кун ётиб қолди. Болалари ёш эмасми, нима қилишини билмайди, ўрнидан тура олмайди... Онага дорига топилган пул, Гўзалга топилмади...

- Уйига олиб бориб ташла, чўзилиб ётишидан фойда йўқ. Менинг дардим ўзимга етади, ё ўзинг ишдан қилиб, қарайсанми-а? - деди она.

Тохир нима қилсин? Она сўзи сўз. Гўзални болалари билан уйига олиб бориб қўйди. Соғ пайтида керак бўлган Гўзал, бемор бўлганида керак бўлмай қолди. Ота-онасига эса фарзанд ҳар доим ардоқли. Гўзалнинг онаси шифокор эмасми, даволаб, оёққа тургазди, аммо, юз амри ширин, қудачилик - минг йилчилик дея индамай қўя қолди.

Гўзал соғайиб келгунча уйдан файз кетди. Борида билинмас экан. Йўғида жуда билинди. Уй-

БАХТ КУЛИБ БОҚСИН УЧУН

«Ҳар иш Худоданми, ёки» — 32-сон, 2000 й.

Шоирахон, ўзингиз ёш бўла туриб "келиндикнинг" - бедиллик экани ҳақида кўп ўйлар сурибсиз: "Онамга ўхшаб намунали ва пазанда уй бекаси, меҳрибон аёл бўлиш орзум бор", - дебсиз. Бу фикрингиз айти оналар, қайноналарнинг муддаоси. Лекин сиз "келиндик" келин бўлган ойларда узоғи билан 4 ой қайнонанинг уйида иззатда бўладиди. Кейин эса худди ўша оилага хизмат қилиш учун яратилгандай, яъни «қўриқлик» маҳкум этилган кишидай бўлиб қолади», - дея нолибсиз. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, айрим оилаларда келинга хизматкор сифатида қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Лекин турмуш ўртоғингизни яхши кўрсангиз бу қийинчиликлар ювилиб кетади. Шуниси ҳам борки, ўша "ўртоқ" сизга бир «буюм» сифатида қараса, бундай турмуш турмуш эмас, "мушт" бўлади, менимча. "Менинг ҳам синфдошларим биринкетин турмушга чиқишарди", - дея келинлик бахтида нафақат қайнона-қайнонанинг ширин муносабати, балки кувётура билан илқ, тотув муносабат ҳам зарурий шароити ҳақида теран фикрларингизни баён этгансиз.

Сингилжон! Сиз: «Ҳарбий хизматдаги йигитни сева туриб, ота-онам кимга бераман дейишса, рози бўлаймикин ёки севганимни кутайми?», - дея маслаҳат сўрабсиз.

Албатта, бирон кўнглингизга яқин, сизга тасалли берадиган кимса: келиннингиз ёки опангиз, ё бирор дўстингизга қалбингизни очиб, ота-онангизга ўз фикрингизни етказинг.

Ажаб эмаски, севган йигитингиз ҳарбий хизматдан янада ақли расо, салобатли бўлиб қайтса. Ахир, унга кутишни ваъда бергандирсиз? Бунинг нимаси ёмон? Аллоҳ уни саломат сақласину, муддатини ўтаб қайтиб келсин. "Ўтирган қиз ўрнини топади". Сизга бахт тилаб қоламан. Шоир Эркин Воҳидов айтганидек:

**Севги билан қурлган турмуш,
Сўнггигача асал бўлади.**

Ҳа, чин сўзим, дилингиз ёқтирган кимса билан умргузаронлик қилсангиз ҳаётингиз бахтли кечиши аниқ.

Афифа ҲАСАН қизи

ЭСЛАТМА: Турмушга чиққан баъзи қизлар «келиндик борган жойида кўпи билан 3-4 ойгина иззат-ҳурматда бўлади», дейишади. Турмушга чиқмаганлигим боис мен эр-хотин, қайнона-қайнона ўртасидаги муносабатларни унча тушунмайман. Лекин аёлга ҳам озгина бўлса-да, эътибор керак-ку...

ШОИРА

ТУШКУНЛИККА ТУШМАНГ

«Қалбим ўзга ёрни суймайди» — 19-, 20-сонлар

Ҳурматли Ҳамид ака, дард-аламга тўла бу мактубингизни ўқиб сизга жуда ачиндим. Салимаҳон, сизга айтган гапларим: Бир йигитнинг тақдирини сизнинг кўлингизда эканингизни ўйлаб кўришни маслаҳат қилардим. Тўғри, сизни тушунаман, қиз боласиз, мағрурсиз. Лекин бунчалик тошбағирлик, бе-

Салимаҳон, Ҳамид акага кўнглингиз йўқ бўлса, муҳаббат учкунлари энди бошланган вақтида мулоимлик билан тушунтиришингиз керак эди. У кишига "сувдаги ойна" ушламоқчи бўлганини айтиб, балки фикрдан озгина бўлса ҳам қайтарганингизда бу қадар бешафқат тақдирдан нолиб ўтир-

ўхшайди.

Сизни кўнглингиздан нелар кечган, бу менга қоронғу албатта. Балки ота-онангизни ўйлаб шундай қилгандирсиз. Агар хоҳласангиз ўз фикрларингизни менга мактуб орқали баён этинг. Сиздан яқкаю-ягона тилагим шуки, бир инсон дардига малҳам бўлинг. Бу кўнглингиздан келади ва бунга ўзингизни ишонтиринг.

Ҳамид ака, сизга ҳам Аллоҳдан сабр тилайман. Албатта қарс икки қўлдан чиқади. Салима билан яна бир гаплашиб кўринг. Чунки ноумид шайтон. Ҳеч қачон тушкунликка тушманг, руҳан эзилманг, бардам бўлинг. Ниятингизга етишишингизга ўзингизни ишонтиринг. Ишонч бўлса ҳамма нарсаси эришиш мумкин. Сизга яна шунини айтмоқчиманки, ҳеч қачон қиз бола олдингизга келишини кутманг. Тезроқ соғайиб кетинг ва унинг олдида ўзингиз боринг. Сизни бахтли бўлишингизни жуда ҳам хоҳлайман ва бунга умид қиламан. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейишади. Сизнинг ҳам ёруғ кунларингиз келишига тилақдошман. Агар турмуш қуриб бахтли бўлсангиз, менга мактуб орқали билдиринг. Шу кунларни интизорлик билан кутиб яшайман. Манзилим тахририятда.

ҲАМИД

ЭСЛАТМА: Салима исми қизни севардим. Унга совчилар юбордим. Бершмади. Сўнг дадам хоҳиши билан ўйландим. Лекин ҳаётимиз бўлмади, ажрашиб, яна севгиликликка совчи юбордим. Афсуски, унинг уйдагилари онамга рад жавобини беришибди. Дадам ҳам гуёҳандлиги туфайли ишдан кетди. Онам бу бахтсизликларни кўтаролмай оламдан ўтди. Мен эса автохалокатга учраб шифохонада ётибман. Ҳамон севгишмдан кўнглим узоқмай қийноқдаман.

Сизни ҳам тушунишга ҳаракат қиламан. Чунки ўзим ҳам мағрур қизман. Ҳамид аканинг бу мактуби мени ҳам озгина ўйлантириб қўйди. Чунки менда ҳам сал шунақароқ воқеалар содир бўлган. Лекин мен бунақа "бепичоқ" сўйган эмасман. Очқачасига гаплашиб сал-пал совутишга ҳаракат қилганман. Чунки менинг бахтимдан кимлардир бахтсиз бўлишини, изтиробга тушишини хоҳламайман.

маган бўларди. Энди эса кеч. Ғишт қолигдан кўнган. Севги ўти алангаланиб, ҳозир у кишини хароб қилмоқда. Уни фақат сизни озгина меҳрингиз ўчириши мумкин. Ҳеч бўлмаса савоб учун шу ишни қилинг, бир инсон умрига зомин бўлманг. Яна шунини билингки, бировни бахтсиз қилиш эвазига топилган бахт омонатга

**Бирдан бир тилагим
бахтли бўлингиз,
Ширин турмуш қуриб
даврон сурингиз.
Кексалар айтгандек,
орзуга айб йўқ,
Кенг ҳовли тўлганча
фарзанд кўрингиз.**

НИГОРА

Шахрисабз шахри

СЕВИНГ, СЕВИЛИНГ — ЛЕКИН...

Шаҳноза каби қизлар афсуси ҳаётда баъзида учраб туради. Қиз боланинг ибодли, ҳаёли, ақлли, фаросатли, нафосатли, ифбатли ва албатта, боқиралиги унинг бойлиги ва давлатидир.

Севги деб, севгилик деб ҳар нарсаси рози бўлиш - бу севги, муҳаббат деб номланган олий, пок туйғуға, ўз бахтига, обрўсига, ота-она шаънига доғ тушириш, "юкли" бўлиб келин бўлиш - бу биринчи хато ва айб ишдир. Севиш, севилиш, дилроз айтиб, етаклашиб юриш - бу ҳар кимнинг кўнгли майли, кўнглига буйруқ бериб бўлмайди. Аммо оналаримиздан момомерос бўлиб келаётган ифбат, ҳаё, сабр, поклик - бу биздан фарзандларимизга-да мерос қолгучи энг қимматли маънавий бойлигимиздир.

Қиз боланинг боқиралигини ифбат пардаси деб бежиз айтишмаган. Ҳар бир қизга ҳаётда бир маротаба насиб этадиган, келинликнинг оқ либосини пок тан, пок руҳ, пок орзу-тилақлар билан қийиш, жуфти ҳалолининг остонасини пок ниятлар билан босиб ўтиш, катталар ризоллиги, оқ фотиҳаси билан бўлган тўй хайрли бўлса, қанчалар яхши. Қиз боланинг нафосатли, фаросатли, назокатли, саховатли ва албатта, ифбатли бўлгани - унинг энг улкан маънавий бойлигидир. Шулардан қайси бири бўлмаса ҳам ўша қиз оила қурганида анча қийналиб қолиши мумкин. Равшаннинг Шаҳнозага бўлган севгиси чин эмас

деб ўйладим, чунки ҳақиқий севги бундай бўлмайди. Озгина бўлса-да, гурурли йигит ҳеч қачон севгилисини бу каби уятли ҳолга тушириб қўймайди. Агар у йигит қилаётган ишининг оқибати

тини ўйлаганида эди, икки томон ўртасида ҳеч қандай жанжал рўй бермаган бўлармиди? Ҳақиқий севган йигит севгисини, севгилисини, ўзини озгина ҳурмат қилганида, йигитлик гурури эгилмас эди. Ўғил ўстирган ота-онанинг ҳам ўз истақлари бўлади, қиз тарбиялаган ота-она ҳам бу каби шармандаликни ҳеч кимга раво қўрмайди. Рўзгорни бежизга - турмуш дейишмайди. Турмушнинг ўзига яраша қийинчилиги, тотли ва нордон дамлари бўлади. Яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, машаққатга дош берган кишининггина оиласи мустаҳкам бўлади.

Шаҳнозахон оиласини барбод қилмаслик учун кўнгли кўчаларига кирмаганида бундай бўлмасди. "Ўзинг пи-

ширган ошни - ўзинг ичавер", - деганларидек, фарзандини тирик етим бўлиб қолмаслиги учун энди Шаҳноза ҳам чидаб яшаши зарур.

Шаҳнозанинг тақдирини ўқиб, бир

«Бу воқеа нега юз берди» — 12-сон

ЭСЛАТМА: Шаҳноза Раъшан билан дўст эди. Кўп ўтмай унинг ҳомиладор эканини аён бўлди. Ҳунолар билан охири икки томон — ота-оналар келишибди. Сўнг яширинча тўй бўлиб ўтди. Шаҳноза ўзини тутта билганида бу воқеа юз бермасиди.

Т.М.

воқеа ёдимга тушди. Бир йигит билан қиз бир-бирига кўнгли қўйиб қолишади. Кунларнинг бирида йигит қизни тоққа лола сайлига олиб боради. Вико-ла савлат тўкиб

турган, бу дунёнинг яхши, ёмон ишларига бепарво, тилсиз гувоҳ осмонлар тоғлар бағрида танҳо қолган йигит билан қиз ўртасидаги парда кўтарилди. Қиз ҳомиладор бўлиб қолганини айтганида йигит: "Тўйни тезлатаман, уйдагиларга айтиб, совчи юбораман", - дейди. Аммо йигит ваъдасига вафо қилмайди. Қиз ҳомиласини яшириш учун қорнини латта-путталар билан бойлаб юради. Қиз кунларининг бирида ўша қизни дард тутди. У бунинг ҳаммадан яшириб бостирмага кириб

тўлғоқ азобини еб, ўғил туғади. Сўнг эса минг бир азоб ичра дунёга келтирган ўз гўдагини ўлдиради. Буни ҳаммадан яширади. Касал-хонада ётганида, ўша қизни шифокорлар қайта даволашади. Сўнг шифокорлар унга ҳеч қачон она бўлмаслигини айтишди. Йигит эса бошқа қизга ўйланиб кетди. Мени у қизга ҳам, йигитга ҳам раҳим келмайди. Қўз олдимдан ота-онанинг айби билан валадано бўлиб туғилган, жажжи оёқ-қўчаларини қимирлатиб йиғлаётган, онасининг шум ниятини англамай, хайрон бўлиб термұлаётган чақалоқнинг бир жуфтгина қаро кўзлари кетмайди. Бу каби даҳшатли ҳодисалар, аянчилик тақдирини ҳеч қачон кўргулик қилмасин.

Йигитлар ҳам жирканч ниятларига етиш учун қизларни алдамасинлар.

Шоир айтганидек: "Ўзингиздан чиматини олдиқ, лекин ифбат пардасин олганимиз йўқ". Ўйлаб қадам босинг, қизларжон. Наинки ифбатингиз, обрўингиз, шаънингиз ва бахтингизга ҳам заволиқ битмасин. Ҳар нарсанинг уволи бор. Ёшлиқнинг, бетакрор ва бебаҳо қизлик даврингизнинг қадрига етинг. Зотингизга, авлодингизга ёмон гап-сўз олиб берманг. Севинг, севилинг. Гулларнинг сарвари, тошларнинг мармари, суюкли ёрингизнинг эркаси, бахтли хонадон бекаси бўлишни Оллоҳим насиб-рўз айлсин.

Машхура ИСОҚОВА

**Хурматли
ФАХРИДДИНЖОН!**

Сен нафисроқ 21 ёштин
билан кутлаймиз!
Келажакнинг порлок,
маршабани улур, умрини
узок бўлсин.

Содиқовлар оиласи

**Азиз дадажонимиз
Иброҳимжон
ТИЛЛАБОВЕ!**

Сизни 17 аюл кунин
нишонлашдан 60 ёшнингиз
билан ин қалбимиздан
табриклаймиз! Сизга

соғлиқ, узок умр тилаб

**куёвнингиз Зокиржон, қизингиз
Муқаддас, Жаҳонгир,
Мафтунахон**

**Мухтарама
онажоним
Мавлудахон!**

Сизни шавалжуд
айёмингиз-ла кутлаймиз!
Бизни ва невараларингиз
роҳатини кўриб
юринг.

Оналарингизнинг оғини остидашар,
Раҳман жаннатга жиннон ботин.
Раҳма ботини висолни истар эсан,
Бўя онанинг оғини шифоли.

**Фарзандларингиз Нигора, Зилола,
Камола, Авазхўжа ва
невараларингиз**

**“Элита” усулида парда тикишни
ўргатаман, тикиш учун буюртмалар
қабул қиламан.**

Тел: 22- 73- 73 (Раёно)

ОИЛА-32

Тошкентлик, 30 ёшли, ажрашган, уй-
жойли, яхши иш жойига эга, баланд
бўйли, келишган йигит 21-26 ёшгача
бўлган оқила, гўзал, саранжом-саришта
қиз билан (тошкентлик бўлсин) турмуш
қуришни истайди.

**Шайхонтохур тумани Ибн Сино 1-
мавзесидаги 1 хонали уй сотилади.**

**Тел: 116- 90- 51, соат 20-22 га
қадар телефон қилишингиз мумкин.**

**Оналик бу бахт. Пуштсизликка ёр-
дам берамиз. Тел: 35- 75- 26**

**Буйрак ёки жигарингиз касалми?
Бугун бу муаммо эмас.**

Кўнгирок қилинг. Тел: 35- 75- 26

Тошкент шаҳридаги 9- ўрта мактаб то-
монидан 1998 йилда Усмонова Умида
Абдурасуловна номига берилган **ОИ-А,
N 21- 4848** рақамли аттестат йўқол-
ганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Юнусобод тумани, 2-даҳа, тўрт хо-
нали 10 сотих ери бор уй сотила-
ди. Тел: 21- 16- 75**

**Дархонда жойлашган 9 қаватлик
бинонинг 9-қаватидаги 3-хонали уй
сотилади. Тел: 54-01-85.**

ҚИЗЛАР СИЗЛАР УЧУН!

**«РАёНО» ўқув маскани торт, пиши-
риқлар пишириш, салатлар тайёр-
лашнинг нозик сирларини ўргатади.**

МАНЗИЛИМИЗ: Метронинг Гафур
Ғулом бекати, 1- уй, 6-қават, 44-
хона. (Ганга магазинининг қаршиси-
даги 12 қаватли бино.)

Тел: 162- 67- 86

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Болалар жамғар-
масининг Тошкент шаҳар бўли-
ми ўз фаолиятини тўхтатганли-
гини маълум қилади.**

**Барча масалалар юзасидан
67- 14- 28 телефонга мурожа-
ат қилишингиз мумкин.**

**“Холдинг” компанияси раҳбарлик лавозимида ишлаш қоби-
лияти бўлган, ташкилотчи кишиларни ишга таклиф этади.**

Тел: 144-41-57

“КАМОЛАТ-КОМПЬЮТЕР” БИЗНЕС МАКТАБИ

Қуйидаги ўқув курсларига таклиф қилади.

INTERNETга ўқитиш.

Икки ойлик курсларга:

Замонавий бухгалтерия ҳисоби;
Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими
(WINDOWS 95, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА);
Дастурлаш тиллари.

Уч ойлик курсларга:

Ҳисобчилар, компьютер
таълими билан бирга; Инг-
лиз тили (бошловчилар ва
давом эттирувчилар учун).

Тел: 41-33-96

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.

Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти
биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА
ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ
«МОҲИР ҚўЛЛАР»**

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

- энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик;
- пардалар, чойшаблар - турли ҳил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик;
- машинада гул тикиш - 3 ойлик;
- аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик.

Дикқат!!! 2001 йил апрелдан бошлаб махсус кичик гуруҳларга ҳам (3-4 кишидан иборат) қабул қилишмоқда ва ўқитилмоқда.

Ҳар кунни яқка тартибда олиб борилган унумли машғулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойла ўзлаштирасиз. Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кунни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.

Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг «Амир Темура» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 133-73-97 (кечқурун).

**Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган,
100 фоиз табиий (Франция) махсулотлар билан даволаш
усулини таклиф этамиз.**

- қандли диабет, бўқок;
- инфаркт, инсульт ва операциядан кейин тез тикланиб олиш;
- бронхит астма, аллергия;
- эркаклар муаммолари: простатит, жинсий ожизлик, бепуштлиқ;
- ошқозон-ичакни сурункали касал-ликлари;
- витилиго, псориаз;

Тел: 144-41-57

**Таъмирланган, 4 хонали, 8 сотих ери, ҳам-
мом, алоҳида ошхонаси бор, оқ тунукали,
пишиқ ёишдан ишланган уй сотилади:**

Манзил: Тошкент тумани, Олтин тепа бе-
кати, Шухрат кўча 13-уйдан сўралсин. Те-
лефон: **31-85-47** (эрталаб 8.00 дан - 12.00
гача) кечқурун 7 дан 12 гача, Ибнотхонни
сўранг.

**“BEGOYIM - SERVIS” - ўқув маркази қизларни
турли хил курсларга таклиф қилади:**

**Қизларжон! Сизларни таътил пайтида хунарни
бўлиб олишга таклиф этамиз.**

1. Сартарошлик - 2 ой.
2. Бичиш-тикиш - 5 ой.
3. Қандолатчилик - 2 ой.
4. Компьютер (бошланғич) - 2 ой.
5. Уй ҳамшираси - 2 ой.
6. Массаж - 2 ой.
7. Косметология - 2 ой.
8. Парда - 2 ой.
9. Инглиз тили (бошланғич) - 3 ой.
10. Олий даражадаги қандолатчилик - 1 ой.

**Манзилимиз: “Мустақиллик майдо-
ни”, Ўрда бекати. Анхор бўйи 6-уй,
“Феруза” тилла магазини орқасида.**

Тел: 41-16-63.

**Бошқа вилоятлардан келганлар ётоқ-
хона билан таъминланадилар.**

КўНГАН СЕЗГАН ЭКАН

Ўғлим бир кун менга узок текилиб тур-
ди-да ғамгин овозда: “Онажон, негадир
ўзимни бу дунёда ва оилада ортқича ҳис
қилияпман”, - деди. Мен аччиқ қилиб: “Хе,
гапингни шамол учир-
син. Ўғлим, ҳеч қачон бу
гапингни бошқа қайтар-
ма, ҳеч бир онага ўз
фарзанди ортқичалик
қилмайди”, деб айтдим

ич-ичимдан эзилдим. Меҳрим товланиб
кетдимки билмадим кўзларимда ёш ҳам
пайдо бўлди. Кейинчалик ўғлимда ғайри-
табиий ўзгаришлар сеза бошладим. Назар-
имда унинг ҳам менга тобора меҳри ор-
тиб борарди. Иложи борича унумли ва
фойдали ишлар қилишга, бўш вақтини мен
билан ўтказишга ҳаракат қиларди. Кун бўйи
ёнимда парвона бўлиб ширин сўзлар бил-
дан кўнглимни хушнуд қилиб, суҳбатимиз
қизиқарли бўлишига ҳаракат қиларди.

Фожиадан бир ҳафта олдин бир туш
кўрдим. Тушимда мен чиройли боғ ичида
юрган эмишман. Йўлакнинг икки тарафи

кўм-кўк майсазор, дарахтларда мевалар пи-
шиб, эгилиб турганмиш. Йўлакдан бурилиб
қўшни боққа қирибман. У ерда бир жойни
топиб ён атрофларини тазалабман. Тупроқ-
лари ялтироқ дурга
ўхшармиш. Мен у ердан
бир қанча суяклар йиғиб-
ман. Шу пайт умр йўлдо-
шим тобут олиб келибди-
лар ва биз суякларни йи-
ғиштириб тобут ичига жойладик. Мен жа-
ноза ўқиб кўмадим, депман.

Уйқудан юрагим ғаш бўлиб уйғондим. Ту-
шимга эътибор бермадим, лекин таъбири-
ни кеч тушундим. Эндигина 18 ёшга тўлиб,
қадди-баста келишган, отасига ёрдамчи
бўлган ўғлим Санжаржон битмаган қурилиш
биносининг бешинчи қаватидан йиқилиб
фожали ҳалок бўлди. Энг хайрон қоларли
жойи тушимдаги манзара ва айнан мен то-
залаган ерга, қайнотамнинг гўри ёнига
ўғлимни дафн қилишди.

**Раҳбаржон опанинг айтганларини
М. МИРСОДИҚОВ эътибор олди**

8-МАРТ САНАТОРИЯСИ ДАРДИНГИЗГА ДАВО БАҒИШЛАЙДИ:

**“Салом тахририят! Мен уй-
ланганимга 15 йилдан ошган
бўлса-да ҳамон бефарзанд-
ман. Бу дардга даво борми,
илтимос сизлардан, йўл-
йўриқ кўрсатинглар.”**

**Рустам Ф.
Андижон вилояти”**

Сизнинг дардингизга даво бор.
Тошкент вилояти Қибрай тумани-
даги 8-Март санаторияси аёл
ва эркакларда учраб турадиган
бепуштлиқ ва бошқа жинсий
аъзолар касалликларини даво-

лайди. Ушбу санаториянинг 55
йиллик иш таърибасида минглаб
оилалар фарзандсизлик армони-
дан, бахт йўлига тўғаноқ бўлган
дардларидан фориғ бўлганлар.

8-Март санаториясида эр-хотин
ни келиб даволаниши йўлга
қўйилган. Бу ерда аёлларда учраб
турадиган қуйидаги касалликлар:

- Бачадон наичаларининг фаол-лиги, ўтиш-ўтмаслиги;
- Жинсий аъзоларда учраб тура-диган оғир хасталиклар;
- Организмда учрайдиган ша-моллашнинг оғир турлари;

- Бепуштлиқ;
- Жинсий муомаланинг нозик қирралари ва бефарзандликка сабабчи бўлган аёллардаги бар-ча кўринишдаги хасталиклар да-воланади.
- Бундан ташқари эркакларда уч-раб турадиган:
- Жинсий ожизлик;
- Жинсий аъзоларнинг ўткир ша-моллаши;
- Жинсий муомаланинг сустли-ги;
- Ишонсизлик кўринишлари ва бошқа хил жинсий касалликлар

даволанади.

Дам олиш масканининг ҳар бир
даволаш хонаси замонавий тиб-
бий компьютер аппаратлари би-
лан жиҳозланган. Шунингдек даво
муолажалари лазер, магнит, бал-
чик, ультрабинафша нурлари, мас-
саж ва руҳни чиниқтириш йўл-
лари билан олиб борилади. Бу ерда
сиз малакали шифокорлар назо-
ратида бўласиз, сизнинг касалли-
гингиз пухта ўрганилиб ташхис
қўйилади ва даво муолажалари
табиий равишда олиб борилади.
Эркакларда учраб турадиган жин-

сий хасталиклар тажрибали
врачлар томонидан текширилиб
сўнг даволанади.

Ха, айтмоқчи, 8-Март санатори-
ясида яхши ният ила янги оила
қураётган йигит-қизлар ҳеч ик-
киланмасдан тиббий кўриқдан
ўтишлари мумкин. Бу эса кела-
жада юзага келадиган ҳар хил
тушунмовчилик ва кўнгилсизлик-
ларнинг олдини олади.

**Манзил: Тошкент вилояти,
Қибрай тумани, 8-Март сана-
торияси.**

**Мўлжал: Шаҳар туғруқхона-
си орқасида.**

Тел.: 8 - 271 (код) 2-56-09.

Адҳамжон уйлангач, тўйдан кейин ўн кун ўтмай, келинчақдан кўнгли совуди. Нега? Соҳибхон аянинг эри эрта оламдан ўтиб, икки ўғлини қийналиб воғая етказди. Катта ўғли Адҳамжонни уйлантириб, салгина кўнгли хотиржам бўлганида, кўтилмаганда бошига галва ёприлди.

Уша кун Адҳамжон кўчадан авозий бўзилиб қайтди. Келинчақни ичкарига чақириб, ундан сўради.

- Тохир билан қанақа алоқанг борида?

- Ҳеч қанақа, - жавоб қилди Марғубахон хайрон бўлиб. - Қайси Тохир?

- Қайсилгини ўзинг яхши биласан. Тўғриси-ни айт, барибир тағига етмай қўймайман.

- Мени ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Сиз билсангиз айтинг.

- Мендан қолган қизга уйландинг, деди. Нима бўлганиди? Қачон ундан қолган эдинг?

- Мен қаёқдан билай, - кўзига ёш олди Марғубахон.

- Нега билмайсан? Ё айтасан, ё ўлдираман.

Келинчақ дағ-дағ титради. Ҳазабланган Адҳамжон келинчақнинг юзига қаттиқ тарсаки тортиб юборди. Марғубахон ичкари уйнинг остонасига қулади. Адҳамжон кўрпанинг қатидан қинли пичоқни олдида, уни чўнтагига солиб, кўчага чиқиб кетди. Соҳибхон ая бозорга кетган, уйда Марғубахондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Чўнки, эртага Марғубахонлар-ниқиди ота кўрди бўлиши керак эди.

Адҳамжон уйдан чиққач, тўғри қишлоқнинг дам олиш боғи томон йўл олди. Чойхонада ўтиришган жўралари ҳали тарқалишмаганди. Уларнинг ҳаммаси Адҳамжоннинг синфдошлари бўлиб, боя ўтган воқеадан хангу-манг бўлиб қолишганди. Уларнинг орасида фақатгина Тохир йўқ эди. Уни уйга олиб кетишганди. Агар уша гапни Тохирдан бошқа одам айтганда, жўралар уни уриб дабдала қилиб ташлаган бўлишарди. Тохирга нима бўлганини билишмай, гаранг эдилар. Адҳамжон уларнинг ёнига ўтиргач, шундай деди:

- Тохир қани?

- Уни уйга олиб кетишди. Нима деганини ўзим билма-япти. Кўп ичиб қўйиб, валдиради чоғи.

- Валдира-валдирамаса бу ишни бугун охирига етказамиз. Боғи гапни исботлайди, ё мендан кўра деганини кўради. Кетдики!

- Ҳозир қизишмайлик, у ўзига келсин, - маслаҳат солди жўраларнинг бири. - Тохирдан бунақа гапни чиқади деб ҳеч ўйламагандим.

- Ким ўйлабди, - қўшимча қил-

ди бошқаси. - Янаям Адҳам ўзини босди. Мен бўлганимда билмадим нима қилардим.

- Бу ишни биз ҳал қила олмай-миз, - деди жўраларнинг яна бири. - Кўпни кўрган одам керак. Мен дадамни бошлаб келаман.

Бошқаларни аралаштириб нима қиласан, - ўридан турди Адҳамжон. Сенлар бормасанг, ўзим бораман. Тохир билан бугун ҳисоб-китоб қилмай уйга қайтмайман.

Дўстлар аслида бугун дам

- Нима учун ичамиз? - сўради у пиёлани қўлига олиб.

- Бугун Адҳамжоннинг хорманг ошини еямиз, - жавоб қилишди жўралар. - Олинг, олинг!

- Хорманг бўлмаса, Адҳамжон, - деди Тохир пиёлани чўқиштириб. - Бизни тўйга айтмадигиз. Шунча бўлсам мана тўйнинг жиззасидан бизга насиб қилган экан. Олдик!

Аммо уша бир пиёладан келинчақ Тохир алжираб қолди. Адҳамжондан гина қила бошлади.

- Бизни менсимай, тўйга айт-

масин, сабабини била олмади. Кудасини ёнига шошиб бориб, Марғубахоннинг аясини бошлаб қайтди. Шу тариха қишлоқда олдин ҳеч бўлмаган машаа ва миш-мишлар бошланди.

Чойхонада ош ҳам қолиб кетди. Адҳамжон жўралари билан Тохирнинг уйига боришди. Бу ҳовлида анча каттазанг одамлар яшар эдилар. Йигитлар қайсарлик қилиб, Тохир ўзини гапни исботласин деб туриб олишди. Маҳалланинг бутун бекорчилари шу жойга йғилишди. Бора-

синмайди, чида қизим», - дейишди.

Тергов бошланди. Худди шу пайтда Тохир Россия томонга қочиб кетди. Унинг уйидагилари: "Бизни ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ, нима деган бўлса ўзи жавоб беради", - дейишди.

Орадан бир йилча вақт ўтди. Марғубахон ўғил фарзанд кўрди. Аммо Адҳамжон қақалоқни қўлига ҳам олиб қўймади. Қақалоқнинг қонини текширтириб кўришганда, Адҳамжоннинг қони билан бир хил бўлиб чиқди. Яна орадан олти ой вақт ўтди. Адҳамжон хотинига кўнглисиз бўлиб яшайверди. Шу вақт ичида иккиси битта ҳовлида, аммо бошқа-бошқа уйда яшади.

Ниҳоят Тохир топилди. Суд ҳам бўлиб ўтди. Фақат биз Тохирнинг суддаги охириги гапни муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

- Виждоним қийналиб кетди. Мен Марғубахон билан ҳеч бирга бўлмаганман. Нима деган бўлсам ёлгон. Мастлик устида гапирибман. Марғубахондан ҳам, Адҳамжондан ҳам тиз чўкиб, ялиниб уэр сўрайман. Пушаймонман.

- Пушаймонлик, мастлик айбингизни енгиллатмайди, - деди суд раиси. - Бу ерда одамлар тақдирини турибди. Тўғриси айтсангиз, бизни одил ҳукм чиқаришимизга ёрдам берасиз. Нега шундай ноўрин гап оғзингиздан чиқиб кетди?

- Онамнинг аламини олмоқчи бўлибман, - жавоб қилди Тохир ердан кўзини узмай. - Онам Марғубани барибир эридан ажратаман деб, ният қилиб юрганди...


Шу нарсга аён бўлдики, Тохирнинг аяси Марғубага оддирок совчи жўнатган-у, лекин рад жавобини олган экан. Қишлоқда менман деб қариллаб юрган калтафаҳим аёлга бу алам қилибди. Унда Марғубани шарманда қилиб оиласидан ажратиш нияти ўшанда туғилган ва ўғлини ҳам тезлаган экан.

Шундай қилиб бир ярим йил давомда руҳий азоб чеккан Марғубахоннинг юзи ёруғ бўлди. Каттазанглик тухматига аёлга ва унинг ўлига қимматроқ тушди. Қиссадан ҳисса шук, ҳалол юриб, ҳалол яшасангиз ғайбату-тухматлардан чўчиманг. Фақат бардошгина юзингизни ёруғ қилади.

Ҳозир Марғубахон билан Адҳамжоннинг турмуши жуда ширин. Соҳибхон ая иккинчи ўғлини уйлантирмоқчи бўлиб юрибди. Ҳалоллик ўтда қўймас, сувга чўкмас деб шунга айтадилар.

Комилжон НИШОНОВ
Андижон шаҳри

Тўйнинг аччиқ жиззаси



Қиссадан ҳисса

олиш кунда Адҳамжоннинг тўйдан кейинги хорманг ошини еб, яраб ўтиришгани йғилишганди. Улар боғдаги чойхонада еш салқин жойдаги сўрини эгаллашиб, эндигина ошнинг олиб келиб, ярим пиёладан олиб туришганди, қаёқдандир Тохир келиб қолди. У ширақайф эди. Тохир жўралардан бошқа синфдоқан бўлса-да, гоҳ-гоҳ уларнинг улфатчилигига қўшилиб турарди. Чўнки улар битта қишлоқда яшаётган тенгқур йигитлар эди-да.

Йигитлар яшаётган қишлоқ шаҳарнинг шундоқ ёнгинасида. Шунинг учунми Тохир ёшлигидан шахарга тушиб, бокс тўғрагига қатнаша бошлади. Кейинроқ бозорга ўрнашиб, у-бу сотиб юрди. Йўқ жойдан жанжал чиқариб, бозорчилардан чўтал олишни ҳам касб қилди. Шаҳарда у ўзини девдай сезса, қишлоққа қайтганда мушукдай ювощ бўлиб қоларди. У оилада бешинчи ўғил бўлиб, акалари анчагина баобрў кишилар эди...

Тохир уша кун шаҳардан қайтиб, Адҳамжоннинг жўраларига дуч келган эди. Жўралар уни сўрига таклиф қилишиб, иссиқина жиззадан олишни сўради. Унинг қўлига ҳам даврада айланаётган пиёла етиб қолди.

мадигиз, Адҳамжон.

- Шошиб қолар экансан, - жавоб қилди Адҳамжон. - Тўйга айтман деган одамларимнинг ачасини айтмабман.

- Йўқ, мени менсимасанг, - сенсирашга ўтди Тохир. - Сен ким бўлибсан? Отанг сомон ташийдиган аравақаш эди.

Жўралар Тохирни тартибга чақириб, уни уйга элиб қўйишмоқчи эди, у унамади. Уни олиб кетиш учун жўралар Тохирнинг уйига одам жўнатишди. Уша одам етиб келгунча Тохир сўрини ёнида иккала қўлини беллига тираб, шундай деди:

- Сен уйланган бўлсанг, мендан қолган қизга уйландинг!

Ҳамма хангу-манг бўлиб қолди. Кимдир Тохирни ўхшатиб туширмоқчи эди, жўралар уни ушлаб қолди. Тохирнинг бу гапи Адҳамжон учун энг оғир ҳақорат эди. Лекин у ёшлигидан ҳеч ким билан ёқалашмагани учун вужуди қалтираб, туриб қолди...

Ору-хавас қўриш ниятида бозорлик қилиб қайган Соҳибхон ая уйда келинни ғўжанак бўлиб йғлаб ётганини кўрдию бошидан капалаги учай деди. Келини ҳарчанд савол сўроққа тут-

бора бу ишга милиция аралашиб, жанжалга ойдинлик киритмоқчи бўлди. Тохирнинг уйидагилар шундай жавоб қилишди.

- Ўғлимиз тахта бўлиб ухлаб ётибди. Нима муаммо бўлса эрталаб ҳал қиламиз.

Жўралар тонг отгунча ухлашмай, Адҳамжонга тасалли бериб чиқишди. Эрталаб яна Тохирнинг уйига боришди.

- Тохир тонг қоронғусида туриб, кетиб қолибди, - дейишди унинг уйидагилар. Бу албатта уларнинг ҳийласи эди.

Жўралар Тохирни сўроқлаб, шаҳарнинг четигадо чойхонадан топишди. Ундан исбот талаб қилишди.

- Мен нима дебман, - жавоб қилди Тохир талмоқсираб. - Ҳеч унақа деганим йўқ.

- Чойхонада нечта одам бўлса эшитди бу гапни, - қаттиқ туришди жўралар. - Ё исботлайсан, ё сен билан нима бўлсак бўламиз.

- Қўлларингдан нима келса қилишавер. Мен ҳеч нарсга деганим йўқ. Жўралар Тохир билан жанжаллашнинг бефойдаллигини тушуниб, уни судга беришди. Адҳамжон унга қудаларингиз қилиб, қизини олиб кетишсин, деганида унинг бир азоби икки бўлди. Хайриятки Марғубахоннинг ота-онаси оғир-босиқ инсонлар экан. Улар: "Агар Тохир ўз гапни исботласа, биз қизимизни қайтариб олиб кетамиз, исботламаса олиб кетмаймиз", - дейишди.

Марғубахон икки ой ичида озиб чўп бўлиб кетди. У ҳатто ўзини сойга ташламоқчи ҳам бўлди. Ота-онаси унга тасалли бериб: "Агар ўзингиз нобуд қилсанг, ўзингизни, бизни ҳам юзими эрга қаратасан. Ҳақиқат

МЕҲНАТУ ЗАҲМАТДАН ЧАРЧАМАСАНГИЗ...

Тошкентлик Мафтуна!

Мактубингизда Муниса исмли дугонангизнинг изтиробларини қаламга олибсиз... Ёзишнингизча, синфдошларингиз Муниса ўз исмига ярашиқли мунис, мушук, дўстларига меҳрибон, гапхўр қиз экан-у, иқтисодий ночор оиладан бўлганилиги боис ҳаётда кўп азият чекаркан, яъни унинг уйидагилар 9-синфни битирув кечаси тантанаси учун керакли пулни беришолмапти, аранг 500 сўм пул топиб синфдошларига келтириб берганида, унинг устидан масхараб қилишибди, Муниса эса йўлганча кўчага отилиб чиқиб, ўзини машина остига ташлабди. Лекин шофёр аранг машинасини тўхтатиб фожиа-

нинг олдини олишга муваффақ бўлибди. Сиз эса дугонангиз кўнглини кўтарибсиз, уни зўрга қўндириб оқшомга чақириб келибсиз. Синфдошлар яна унинг устидан масхараб қилишибди. Муниса яна йўлганча билан бу даврдан чиқиб кетибди...

Мактабдан сўнг Муниса хунар коллежга ўқишга кирибди-ю... Лекин у ҳар гал қай бир байрам тантанаси учун пул тополмагани, янги қўйлак қийолмагани, ўзгалар эса унинг устидан масхара қилиб қилишгани учун ҳамон қийналишини, изтироб чекишини ёзибсиз...

Аввало, бу воқеадан огоҳ бўларкан синфдошларингиздан, уларга ўхшаш бошқа тенгдошларингиздан ранжийди

киши. Ахир инсон қадр-қиймати пул, қийим-кечак билан баҳоланадими? Бу воқеани ўқиган киши яна сиздан ҳам, Мунисадан ҳам, бошқа тенгдошларингиздан ҳам худдики мен каби хафа бўлади. Негаки, ҳаёт маъно-мазмунини сизлар то уйлағанчалик фақат байраму тантаналар ва еб-ичишу қийинишдан иборат эмас-ку? Бу борада ҳалқимизнинг қанчалаб доно ўғитларию маслаҳатлари бор: "Қўрпангга қараб оёқ узат", "Қалла бўлса салла топилади", "Сабринг таги олтин", "Ҳаракатда баракат"... Буларнинг ҳар бирини мағзини чақиб мулоҳаза юритсангиз сизнинг ва Мунисанинг изтироблари жуда майда-чуйда изтироб эканлигига иқро-

МАКТУБИНГИЗНИ ЎҚИБ...

бўласиз. Яна бир ҳаётий ҳақиқатни қўлғингизга қўйиб олинг. Сиз яхши яшашни истайсизми, шунга муносиб бўлишингиз керак. Яъни, энг аввало белга ғайрат камарини маҳкам боғлаб меҳнату заҳматдан, ўқиб ўрганишдан чарчаманг...

Ўзингиз истаганингиздек саодатли ҳаёт қалитини ана шунда топасиз... Бўлмаса майда-чуйда ташвишлар гирдобига йўлганча қилиб юриверсаларингиз қисқа умр ўтади-кетди. Бу гўзал ҳаётда ўзингизнинг муносиб ўринингизни топишингиз, бахтни ҳис этиб яшашингиз учун шошилинг ёш дўстларим...

М. КАРИМОВА

Киш. 18 январ. Хаммаёқ сокин уйкуда. Дарахтлар хали куртак очмаган чоғда улар учрашдилар. Хаммаёқ сокин, фақат улар турган кўприк остидаги анҳорнинг шовуллаши эшитиларди холос. Улар нималардир ҳақида баҳслашишди ва сал кам икки ярим йиллик севгириштасига сўнгги нуқта қўйилди. Улар узок турмадилар, бир-бирларига бахт тилаб хайрлашдилар. Улар хиббоннинг, наинки хиббоннинг, балки ҳаётнинг икки хил йўлакларидан кетишди.

Уларни танидингизми... ака? Улар сиз билан мен адик. Мана ҳозир ўша дарахтлар куртак отди, барг чиқариб гуллади, мева берди. Бизнинг севгимиз эса ўша, хаммаёқ сокин уйкуда, дарахтлар куртак отмаган паллада қолди, у мева бермади.

Эсингиздами, севгимизнинг боши — сиз мендан икки курс баланд ўқирдингиз, ўқишларингиз аёло эди. Факултетда хулқ-атворингиз, муомаланингиз билан ҳаммадан ажралиб турардингиз, йўлингизда неча-неча қизлар ошиқ эди. Хатто домлар ҳам сизга... жон деб мурожаат қилишарди. Сиз мени биринчи курсдалигимданок пайимга тушдингиз, мен хали анча ёш эдим, сиздан 5 ёш кичкина эдим. Сиз ортимдан бир ярим йилча ялиниб юрдигиз, мен ёшлигимни бахона қилардим, ахир ўзингиз ўйланг, мен 15 ёшда эдим. Йўқ, сиз ўз айтганингизни қилдингиз. Бир ярим йил ичида мен сизни ёқтириб қолдим. Лекин афсуски, мен бир нарсани аниқ билардим — биз бирга бўлолмас эдик. Чунки... чунки сиз бишқа виллоятдан эдингиз; мени ёлғиз қиз эканлигим боис ҳеч қачон узокқа беришмас эди. Шунинг учун мен ўшандаёқ бу муносабатларга нуқта қўймоқчи эдим. Лекин сиз ҳар доим бу нуқта-

тироқ инсон йўқ эди. Чунки мен севдим, севилдим, кимгадир жуда ҳам кераклигимни ҳис қилдим. Бунинг учун, менга шундай нозик туйғуларни юрагимга олиб кирганингиз учун мен сизга раҳматлар айтаман. Биз бир-биримизга жуда ҳам ўрганиб қолдик.

Уч кун кўришмасак дунё алғовдалғов бўлиб кетарди. Гаплашмасак ҳам бир-биримизни кўрсак бўлди эди. Ҳозир-чи... Ҳозир сизни кўрмаганимга 170

ўзингиз ҳам менга айтар эдингиз-ку. Хуллас сиз ўқишни имтиёзли дипломга битириб, ЎЗМУ магистранти бўлдингиз. Сиз анчагина улдабурон йигитсиз. Шунинг учун менинг сиздан кўнглим тўқ. Сиз ҳаётда ўз йўлингизни топиб кетасиз — мен бунга ишонаман. Мана ҳозир ҳам яхши ишга жойлашдингиз, обрў орттирдигиз. Бунинг ўзи мен учун бахт. Мен келажакда сизни телевизорлардан, радио, газеталардан

ми... ака менда сизнинг сурагингиз бирам кўпки. Хайрон бўлаёпсизми — тўғри, сиз менга биргина сурагингизни бергансиз. Қолганлари шу сурагингизга қараб чизилган портретлар. Уларни ўзим чизганман. Улар билан гаплашиб ўтириб дарс тайёрлайман. Тавба, шунча йил муносабат қилган бўлсак ҳам бир-биримизга ҳеч қачон севги изҳор қилмаган эканмиз. Бир-биримизга бўлган муҳаббатимизни юрагимиздан сезардик. Лекин ҳеч қачон буни сўз билан ифодаламаганмиз. Ҳа, тўғри, бир марта бўлган. Ўшанда...

ўшанда сиз узок сафарга кетаётган эдингиз. Бир кун олдин менга телефон қилиб: "Мен кетаяпман. Сафарда қўлоқларим остида сизнинг сўзларингиз янграб турсин — ...ака мен сизни яхши кўраман дегм", — деддингиз. Мен "йўқ" дедим. Ахир ўзингиз ўйланг, қайси қиз севги изҳор этади? Бу уят-ку! Хуллас мен унамадим. Шунда сиз хафа бўлдингиз. Эртаси кун телефон қилганингизда овозингиз ҳорғин эди: "...ака, битта гап айтаман, кўрқиб кетманг. Мен ҳозир "тез ёрдам" чақирдим, келиб олиб кетишадилар, касал бўлиб қолдим, балки операция ҳам қилишар, у ердан қайтаманми-йўқми Худо билади. Сиздан бир нарсани сўраб олай — мени яхши кўрасизми?" — деддингиз. Мен бу гапларингизни эшитаяпману, нималарни ўйлаб чиқмадим. Бир сониянинг ўзида бутун бир ҳаётимни ўйлаб чиқдим, десам ҳам бўлади. "Қанақа касалсиз, ёнингизда ким бор?" — дедим. Сиз эса: "Авалл менга айтинг, мени яхши кўрасизми", — деддингиз. Мен худди сиздан айрилиб қолаётгандек "ха, ҳа, яхши кўраман, кутаман, кутаман, қайси касалхонага олиб боришар экан?" — деб сўра-

О, МУҲАББАТ


дилмдан тилимга чиқмади. Фақат қорозга тушди. Мен бу гапларни афсус билан айтётганим йўқ. Тақдир бизга шундай қисматни раво кўрган экан, наилоҳ... Лекин сиз бошқа шахарда, бошқалар билан бирга бўлсангиз ҳам, мен учун юрагимдасиз. Менинг бегим фақат юрагимда — у сиз... Сиз бу хатимни газета орқали ўқиб: "Фалончиҳон мени севаркан", — деб мен билан қайта муносабат боғлашни ўйламанг. Нуқта нуқталигича қолсин. Биз ота-онамизнинг раъйларини қайтармайлик. Баки ушбу хатимни дўстларингиз, ҳамкасбларингиз ўқир. Балки мени "ёмон қиз экан", дейишар, балки устимдан қулишар. Лекин нима дейишса ҳам, сиз индаманг. Сиз фақат томошабин ёки ҳикоядан таъсирланган ўқувчидек тураверинг. Чунки, улар ҳикоя қаҳрамонларидан бири сиз эканлигингизни билишмасин, шунинг учун ҳам мен на сизнинг, на ўзимнинг исимини ёзмадим. Бунинг сабаби (илтимос, фақат тўғри тушуниг) — балки сизга кўнгли қўйган қизлар бордир. Уларнинг сизга бўлган муносабатлари ўзгармасин. Ўзгариши мумкин ҳам эмас, чунки сиз ёмон иш қилганингиз йўқ. Лекин, у кўзлар, у сўзлар бир вақтлар бир қизга аталганини билишмасин. Сиз бахтли бўлишингиз керак. Мен сизни 10-20 йилдан сўнг (балки охирада) учратганимда кўзларингиз бахтлилигингизни айтиб турсин.

...ака мен сизни биламан, "Оила ва жамият" газетасининг ҳар сонини интизорлик билан кутиб ўқийсиз. Агар ушбу мактубимни ҳам ўқисангиз, мен сизни келгуси ойда нишонланадиган 23 ёшингиз билан табриклайман. Дилимнинг тубидаги, юрагимдаги жамики сизга аталган эзгу тилакларни тилайман. Ишларингиз доимо омадли келишининг тилақдошиман. Ҳаётда ўз Зухрангизни топинг ва юрагингиздаги насибангизни ҳеч қачон унутманг. Бахтли бўлинг. Юксак чўққиларга интилинг ва уларни забт этинг.

Ҳаёлда кўним йўқ
телбатоб дайди,
Дардим энгиллатсам
кимгадир айтиб.
Яна сизни кўрмоқ
бормикан қайтиб,
Шаҳар хувиллайди
сизнингсиз...
На дўстлар дилимга
бўлолмас таскин,
Менинг ҳамдардим йўқ
кундузларим тун.
Билсангиз ғам эзар
мени кундан-кун,
Шаҳар хувиллайди
сизнингсиз...
Шамоллар зарбидан
хазонлар учгай,
Сизсиз умидларим
чироғи ўчгай.

ЗУХРА

ТИЛАГИМ



ЎЗ ЗУХРАНГИЗНИ ТОПИНГ

кундан ошди. Эсингиздами, сизга Насиба Абдуллаеванинг "Сени кўргим келар" кўшиғи ёқарди. Хатто менга кассетасини ҳам совға қилган эдингиз. Ҳозир қаерда шу кўшиқни эшитиб қолсам, юрагим шувиллаб кетади. Ўша хиббондан, ўша анҳор кўприқдан юрсам кўз олдида ўша хайрлашган чоғимиз кўриниб кетади. Эсингиздами, ўшанда нима дегандигиз, ўша сўзларингиз ҳамон қулогим остида жаранглайди.

"Бадиий асарларда кўпича икки севгишар дил бир-бирига етиша олмайди, бу ҳақиқий севги бўлади. Бизники ҳам шундай бўлишини билардим — бу ҳақиқий севги", дердингиз. Биз ўз севгимизни ота-она раъйига қараб қурбон қилдик. Йўқ, мен бундан афсусланаётганим йўқ. Аксинча, биз тўғри қилдик деб ўйлайман. Ахир ўзингиз ўйланг, ота-онамиз розилигисиз биз бахтли бўламизми? Йўқ албатта, ахир буни

кўришни, эшитишни хоҳлайман, сиз бунга лойиқсиз. Биология фанлари номзоди, профессор... ака. Қаранг, қандай чиройли янграпти. Сиз баланд-баланд чўққиларга чиқшингиз керак. Менинг орзум шу. Агар, мени бахтли кўрай десангиз ҳаракат қилинг, интилинг. Сизга яна биргина илтимосим, мен ҳақимда ёмон ҳаёлларга борманг! Ҳар гал телефон қилганингизда: "Сиз ўзгарбисиз, намунча кўпол гапирасиз, мени бир бегона деб гапиравERING", дейсиз. Мен сизга жавобан фақат: "ха", "йўқ" дейману, аммо юрагим йиғлайди, у сизни соғинган...

Мен эмас — юрагим, юрагим сизни соғинган. Яхисси кўнграқ қилманг. Мен сизга ҳар гал: "Менга кўнграқ қилманг, илтимос, биз кўйган нуқта вергулга айланиб кетмасин", — дейман. Унда, унда биз яна ўз-ўзимизни алдаймиз, буни билиб туриб яна гаплашамиз. Биласиз-

дим. Шунда сиз: "Барибир сизга шу сўзни айттирар эдим. Хавотирланманг, алдадим", — деддингиз. Роса жаҳлим чиқди. Лекин сиз билан бу ҳақда бошқа гаплашмадик. Гаплашгани, кўришгани вақт йўқ эди. Қизларга айтсам, роса қулишди. ...ака мен бу гапларим билан сиз менга севги изҳор қилмагансиз, деяётганим йўқ. Аксинча, мен бундан хурсандман. Минг марта "севаман" деб лоф ургандан, севгини юрак, юракдан ҳис қилган афзалроқ-ку. Биз ҳеч қачон бир-биримизни "севгимиз", "жоним" деб атамасдик. Лекин сезардик, сиз "азизам" дейишни яхши кўрардингиз. Мендан: "Сизни қандай ном билан чақуришларини хоҳлардингиз?" — деб сўраганингизда, "Вақти келса айтаман", — дердим. Лекин биз кутган вақтлар келмади. Мен буни сизга ушбу хатим орқали етказмоқчиман. Мен сизни БЕГИМ дейишни хоҳлардим. Лекин бу сўз

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайдиган, муаллифларга қайтарилмайдиган, ёзма жавоб қилинмайдиган.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибият, хатлар: 34-25-46
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-
наси. Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босишга тоғшириш вақти: - 20.35
Босишга тоғширилди: - 20.00

Газета тахририят компьютер базасида терицид ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
№ 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 2626. Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.
Баҳоси эркин нарҳда.
Саҳифаловчи — Жаҳфар ЖАББОРОВ.
Расом — Наҳшон ХОЛМУРДОВ.
Навбатчи — Муталлиф СОДИКОВ.